

СУРХОН ЭТНО-ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Норкўчқор Тураназаров.
ТерДУ катта ўқитувчиси.
Ахмад Рахматуллаев.
ТерДУ ўқитувчиси, п.ф.н.
А. Имомқулов
ТерДУ катта ўқитувчиси.



Халқ маданий-маърифий меросининг таянчи ўзбек халқ этно-фольклори жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишида салмоқли ўринга эга. Бунда халқнинг миллий байрамлари, маросимлари, ўйинлари ва антропогенез ва этногенез цивилизациялари ҳамда урф-одатлари бадиий тарзда миллий руҳият билан мужассамлашган. Шу боис, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти дурдоналаридан саналган “Алпомиш” достонини алоҳида қайд этиш мумкин. Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари диққатга сазавордир. “Алпомиш достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоғ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўст-ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатади.”-деб алоҳида қайд этдилар.

Президентимизнинг ушбу теран мулоҳазалари замирида ўзбек халқининг узоқ йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллий ва умуминсоний кадриятларимизга нисбатан юксак даражада эътибор бераётганидан дарак беради.

Ўзбек халқи қардош халқлар сингари этно-фольклорининг ўзига хос хусусиятлари миллатнинг раванқ топишида ва шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Жумладан, этно-фольклор дурдоналари авлод-аждодлардан авлодга

ўтиб келганлиги баробарида топишмоқлар, ривоятлар, маталлар, эртаклар, қўшиқлар, чолғулар ва достонларда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбек халқ этно-фольклори достончилиги минг йиллик тарихга эгадир. Айниқса, “Қарликлар” ҳудудида яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳамда ўтрок чорвадор қабилаларда достончилик санъати катта нуфузга эга бўлган ва йирик достонларни яратганлар.

Сурхон воҳаси этно-фольклорига мансуб бўлган бахшичилик ва достончилик санъати ўз мавқеига эгадир. Жумладан: Сурхон воҳасида учта; Шеробод, Бешқўтон ва Бойсун достончилик мактаби бўлиб, устоз-шогирд анъанаси бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Шунингдек Деҳқонобод, Қамаш, Кўкбулоқ ҳамда Тожикистон республикаси ҳудудидаги “Лақай” бахшилари ижодида ҳам сурхон достончилик мактабининг услуби сезилиб туради. Сурхон бахшилари томонидан “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли”, “Авазхон” ва бошқа кўплаб терма достонлар “ички овоз” усулида ижро этилган.

Сурхон воҳасининг ижтимоий маданий турмушида руҳий куч-қувват олишида ўзининг кучли таъсири билан аҳамиятли бўлган ривоятлар ҳам муҳим аҳамияга эга. Ривоятлар инсон камолотида муҳим кўзгу ҳисобланади. Замонлар аро ришта кўпригини боғловчи ривоятлар бугунги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Халқ ривоятларида ватанпарварлик, инсонийлик, дўстлик, мардлик ҳамда халқнинг ижтимоий ғояларини ўзида ёрқин ифода этган. Шу ўринда “Ҳазрати Али”, “Бобо Равшан” каби қисса ва достонлар ривоят тарзида айтиб келинган. Юқоридаги фикр-мулаҳазаларга асосланиб “Шеробод” деб номланган ривоятлардан бирига тўхталамиз.

Ҳазрати Аҳтам саҳобамиз Мадинадан Амударё бўйлаб келаётганларида Мақотилнинг “Ҳабаш” полвонига дуч келиб қолиб у билан уч кун жанг қилади. Ҳазрати Аҳтам етмиш жойидан яраланиб ҳолсизланиб қолганларида Ҳабаш бошини кесиб олади. Шунда Ҳазрати Аҳтамнинг бир томчи қони Мадинадаги Ҳазрати Алининг юзига томади. Ҳазрати Али у кишини излаб келиб қарасаки боши йўқ тана ва бу танадан бир овоз чиқиб; Биродарлик нишонаси шу бўлдимۇ?, танадан жон чиққанда келурму?- дейди. Ҳазрати Али бу сўзларни эшитиб; Мен Али бўладурман деб, ўзини балога гирифтор қилурму?- деб

Ҳазрати Али ўзининг дул-дул отига миниб, Мақотилнинг қоқ тепасига қилич солиб иккига бўлиб ташлайди. Шундан буён Ҳазрати Алининг номига “Шери худо” (Оллоҳнинг шери) бу ерларни обод қилди деб бу жойлар “Шеробод” деб номланиб кетган.

Ушбу ривоят мазмунида инсонларни дўстга бўлган садоқати, душманга бўлган нафрат туйғулари ҳақидаги тарбиявий мазмун ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқ этно-фольклори орасида Сурхон этно-фольклори ҳам ўзига ҳос нуфузга эга. Бунда ҳаётий воқеалар, жараёнлар, ҳодисалар жумладан хурсандлик, самимийлик, инсонийлик, руҳий кўтаринкилик ва севги ҳижронлари куйланади.

Сурхонлик момоларимизнинг кўпчилиги миллий кушиқларни туй-хашамларда.байрамларда.сайлларда ва кундалик турмуш жараёнларда ижро этишган. Шу қўшиқлардан намуна сифатида йигит- қизларнинг ўртасида айтилган қуйидаги айтишув ўшиқларни мисол келтириш мумкин.

Йигитлар: Дўмбирам ғўнг-ғўнг этади,
Ичида моши бормикан.
Биз билан юрган қизларни,
Кўзида ёши бормикан.
Том устида тараша,
Бўйинг менга яраша.
Отанг менга бермаса.
Эрта кўрсин томоша.

Қизлар ҳам ушбу мазмунга ҳос бўлган қўшиқларни айтишади.

Қизлар: Бостирма-ю бостирма,
Бостирмага осилма.
Отам сенга бермайди,
Оламан деб осилма.
Нариги бетда бир туп ғўза,
Тагида тилла кўза.
Кўзани кўтармоққа билак керак,
Қиз билан ўйнамоққа юрак керак.

Қизлар келин бўлиб ўзоқларга тушганда ёки ўз ёри узоқ сафарга кетганда ёри ва қариндошларига бағишлаб қўшиқлар ҳам айтиб келишган.

Ёрига: Тахтиравон устидан ўйнаб тушдим,
Қўлимда тилла қайчи бахмал бичдим.
Биз бичган бахмалларнинг боғи бошқа,
Бадахшон кетган ёримнинг оти қашқа.

Оғасига: Оғажоним айлансин,
Зар қалпоғи қатлансин.
Тўйдан улоқ айирсин,
Ўпонига қайирсин.

Сурхон воҳаси этно-фольклорида ёш келинчак бешикда фарзандини ором олиб ухлаши учун ўзига хос услубда аллалар ҳам айтишган.

Аллажоним адига,
Сув олиб келсин кадига.
Кади бови узулсин,
Куёв бўлиб сузулсин.
Алла болам, аллаё.

Бундан куринадики сурхон воҳаси маданиятида этно-фольклор ўзига хос.ўзига мос услубда ривожланиб халқнинг маънавий камолотида катта имконият яратди.

Сурхон воҳаси ўзбек халқининг ўзига хос миллий қадриятларининг асл сарчашмаларини ўзида мужассам қилган тарихий этнографик минтақа ҳисобланади. Воҳамизнинг маънавий маданияти нафақат юртимизда балки жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилди 2001-йил “ЮНЕСКО” томонидан сурхоннинг анъанавий миллий қадриятлари бешиги бўлган Бойсун тумани “Халқ оғзаки ва ижодий ёдгорликлари дурдонаси” деб тан олинди.

Сурхон воҳасининг ўзига хос бўлган чолғулари ҳам борки. булар чанқовуз, сибизға, дўмбира, ғажир ва шупиллакдир.



Чанқовуз сурхон аҳолисининг қадимий ва анъанавий мусиқа асбобидир.

Чанқовуз мелоддан аввалги биринчи асрда пайдо бўлган. Бундай чолғу созлар Далварзинтепа. Эски Термиз, Кампиртепа ва Айритом каби археологик қазилмаларда топилган.



Сибизга сурхон воҳаси аҳолисининг мусиқа асбоби. Сибизга оддий қамишдан ясалади. Ушбу мусиқа чолғуси кишиларнинг ҳис-туйғу, орзу ва истакларини ўзига хос нафис оҳангларда ифодалайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, миллий қадриятларимиз ҳамда этно-мусиқа асосларимизни ёшларимиз онгига чуқур сингдириш оркали соғлом авлодни ҳар томонлама жисмоний ва маънавий шакллантиришда бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ.” Т-1997й.
2. И. Жабборов “Ўзбек халқи этнографияси” Т-1994й.
3. М. Муродов, А.Эргашев. 1-китоб “Алпомишнома” (Сурхондарё талқинида)Т-1999й.
4. М.Алавия “Ўзбек халқ қўшиқлари”Т-1998й.

EDUCATIONAL ROLE OF SURKHAN REGION ETHNO-FOLKLORE

Norkuchkar Turanazarov.

Ter SU, senior teacher

Ahmad Rahmatullaev.

TerSU, teacher. Candidate of pedagogical sciences.

A. Imamkulov

TerSU, teacher. Candidate of pedagogical sciences

SUMMARY

The given article discusses the problems related with educational role of ethno-folklore, particularly, story tellers, public singers (bakhshids, fable and ode singers), as well as national musical instruments which make spiritual-cultural heritage of Surkhandarya region.

В статье рассматриваются проблемы этно-фольклора в частности сказителей, народных певцов (бахшичилик,- достончилик и ривояты) атакже национальных инструментов и духовно-культурных наследие в Сурхандаринской местности.